21.00 "Яқшанба оқшомида", мусликий дам олиш дастури
21.45 "Мусликий табассум"
22.10 Худ. фильм "Крокодил Данди в Лос Анжелесе"

ЖУМА. 26

- 16.20 Узбек наволари
16.30 "Очил дастурин" (повтор)
17.00 Узбек наволари
17.30 "Юлдузли пайшанба" (повтор)
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.30 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.30 Индийское кино
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино "Бандитки"
23.50 Миксер
00.30 "Миссия неповторима"

ШАНБА. 27

- 12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.30 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.30 "ТОП-10" (повтор)
14.00 Мировые хиты
15.00 Теленяня

НТВ

- 4:40 Боевик "СТИРАТЕЛЬ" /США/
6:30 "СКАЗКИ БАЖЕНОВА"
7:00 "СЕГОДНЯ"
7:15 "РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ". Программа Павла Лобкова.
7:50 "ИХ ПРАВЫ"
8:25 "ЕДИМ ДОМА"
9:00 "СЕГОДНЯ"
9:20 "TOP GEAR". ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
9:55 "ЦЕНА УДАЧИ" с Антоном Комоловым
10:50 "СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС" с Николаем Фоменко
12:00 "СЕГОДНЯ"
12:25 "СТИХИЯ". Программа Ивана Усачева
13:00 Сергей Варчук, Анастасия Иванова в фильме "НЕ МОГУ СКАЗАТЬ "ПРОЩАЙ"
15:00 "СЕГОДНЯ"
15:20 "ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ". Программа Кирилла Набутова.
15:55 "СВОЯ ИГРА"
16:55 Сериал "МАРШ ТУРЕЦКОГО"
18:00 "СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА" с Кириллом Поздняковым
18:55 "ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ".
19:25 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ"
19:55 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. ПРЕМЬЕРА. Сериал "СЫЩИКИ-5"
21:00 "ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ"
22:30 ПРЕМЬЕРА. Сериал "ЗОНА"
0:25 Автогонки. "КУБОК ПОБЕДЫ" на Воробьевых горах
1:45 Клинт Иствуд, Чарли Шин, Лара Флинн Бойл в боевике "НОВИЧОК" /США/
4:10 "АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ"

НТВ

- 8.30 Сериал "НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ".
9.05 Для милых дам.
9.40 Мультифильмы.
10.30 Мультифильмы.
11.10 Русский фильм. "ОБВИНЯЮТСЯ В УБИЙСТВЕ".
13.30 Общероссийский конкурс "Супермужчина России".
14.30 Кукольное сатирическое шоу "Звездная семейка".
15.30 Игровое шоу "Время - деньги".
15.55 Русский сериал "МУЖСКАЯ РАБОТА-2". 2-я серия.
17.00 Русский сериал "МУЖСКАЯ РАБОТА-2". 3-я серия.
18.00 Самое смешное видео.
18.30 Альманах невероятных событий "Этот безумный мир".
19.00 "Шоу российских рекордов" с Владимиром Турчинским.
20.00 Русский фильм. "БЕЗУМНЫЙ ДЕНЬ ИНЖЕНЕРА БАРКАСОВА".
23.10 Сериал "С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС". 81-я серия.
0.05 Сериал "С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС". 82-я серия.
1.05 "Шоу российских рекордов" с Владимиром Турчинским.
2.05 Шокирующая документалистика. "Роковые случайности".
3.10 Хит-парад авантур "Осторожно, афера!"
3.35 Игровое сатирическое шоу "Звездная семейка".
4.20 Игровое шоу "Время - деньги".

DTV

- 8.30 Сериал "НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ".
9.05 Для милых дам.
9.40 Мультифильмы.
10.30 Мультифильмы.
11.10 Русский фильм. "ОБВИНЯЮТСЯ В УБИЙСТВЕ".
13.30 Общероссийский конкурс "Супермужчина России".
14.30 Кукольное сатирическое шоу "Звездная семейка".
15.30 Игровое шоу "Время - деньги".
15.55 Русский сериал "МУЖСКАЯ РАБОТА-2". 2-я серия.
17.00 Русский сериал "МУЖСКАЯ РАБОТА-2". 3-я серия.
18.00 Самое смешное видео.
18.30 Альманах невероятных событий "Этот безумный мир".
19.00 "Шоу российских рекордов" с Владимиром Турчинским.
20.00 Русский фильм. "БЕЗУМНЫЙ ДЕНЬ ИНЖЕНЕРА БАРКАСОВА".
23.10 Сериал "С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС". 81-я серия.
0.05 Сериал "С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС". 82-я серия.
1.05 "Шоу российских рекордов" с Владимиром Турчинским.
2.05 Шокирующая документалистика. "Роковые случайности".
3.10 Хит-парад авантур "Осторожно, афера!"
3.35 Игровое сатирическое шоу "Звездная семейка".
4.20 Игровое шоу "Время - деньги".

ЯКШАНБА. 28

- 9.00 Открытие программы
9.05 "Теле-хамкор", фойдали газета
9.20 "Детский час", мультсериал
9.50 "Мультифильмы"
11.00 "Теле-хамкор", фойдали газета
11.15 Худ. фильм "Королевство обезьян", мультфильм
12.45 "Мусликий табассум"
13.00 "Теле-экспромт" передача о кино
13.20 "Хит - парад плюс" повтор передачи
14.20 "Шоу-бизнес янгиликлари", информацион дастур
14.50 "Болалар соати"
15.20 "Аёллар ораси"
15.50 "До-Ми-Соль шоу", детский музыкальный конкурс
16.45 "Теле-хамкор". фойдали газета
17.00 "Детский сеанс"
18.00 "Мусликий лахзалар"
18.20 "Сугдийна", мунис аёллар курсатуви
18.50 "Клип"
19.00 "Теле-хамкор", фойдали газета
19.20 "Ошикона", мусликий дастури
20.00 "30 кадр" развлекательная передача
20.30 "Мусликий табассум"
21.00 "Яқшанба оқшомида", мусликий дам олиш дастури
21.45 "Мусликий табассум"
22.10 Худ. фильм "Крокодил Данди в Лос Анжелесе"

ЖУМА. 26

- 16.20 Узбек наволари
16.30 "Очил дастурин" (повтор)
17.00 Узбек наволари
17.30 "Юлдузли пайшанба" (повтор)
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.30 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.30 Индийское кино
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино "Бандитки"
23.50 Миксер
00.30 "Миссия неповторима"

ЯКШАНБА. 28

- 12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.30 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.30 "Очил дастурин"
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.30 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.50 Индийское кино
20.30 "ТОП-10"
21.00 Мировые хиты
22.00 Кино (SMS-голосование)
24.00 Узбек наволари

Жаҳонгир Ризаевич темир чамбаркли эшиқдан ўтиб, бино ичкарасига кирган эди, қулоғига беўхшов бақир-чақир урила бошлади.

— Қўлимни қайирманг, оғрияпти!
— Айт деярман, шеригинг ким?!
— Хабарим йўқ, ахир, нега ишонмайсизлар!

— Ҳали шунақами! Унда...
— Нима гап, нима шовкин?

Навбатчиларнинг рўпарадаги ойнаванд хонасида икки гумондор ва учтўрт нафар ходим туришарди. Улардан бири важохатли юзига мулойим тус бериб, қаддини фоз тутди.

— Кўрапсизми дўқовозлигини, жаноб капитан?

— Мен эмасман дедим-ку, нега ишонмайсизлар?! Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон экан-да, а?!

Жаҳонгир бир нима демасдан илдам юриб кетди. Мармар пиллапоялардан юқори қаватга кўтарилиб, хонасининг эшигига калит солди. Кириши билан телефон жиринглади.

— Эшитаман.
— Ассалому-алайкум, яхши келдингизми? Сизни бошлиқ сўраган эди...

У қалин жилдли кундалиги қатига ручкасини солиб, қабулхона томон юрди. Ичкаридан Сафар Сафоевнинг виқор билан чиқаётганини кўриб, унга йўл берди: "Ассалому алайкум". Шу топда қия эшик ортидан бошлиқнинг овози янгради.

— Кириш, Жаҳонгиржон, киривринг.

Эркин ака уни илиқ қарши олсада, шу топда тарадудда эди. Тик ҳолатда чарм папкага аллақандай қоғозларни жойлай туриб, боши билан ишора қилди.

— Ўтиринг. Оқтов этагидаги қишлоқдан бир сурув кўй йўқолган. Ишни икки йўналишда ташкил этсак. Сафар Сафоевич гумондорлар билан гаплашадим. Сиз эса воқеа жойига борсангиз. Ҳарқалай, калаванинг учи ўша ерда бўлиши мумкин.

— Бўёғи тушунарли. Ҳа-я, қишлоқнинг номи?...

— Сизни навбатчилар хонасида бир отахон кутаяпти. Муаммо туғилса ало-

лишдаги пахсали уй рўпарасига етганда, сал четлаб туриб тўхтади. Ичкаридан улвога пешвоз югургилаган болакайлар, унинг ортидан эса эллик бешолтмиш ёшлардаги бир аёл чиқиб келди. Ранглари бироз синиққан, бошига айлантириб қат-қат рўмол ўраб олган.

Чол машинадан тушиб улгурмасдан сўради:

— Онаси, чойинг тайёрми?

— Чойни кўйинг, янга. Участковой келмадимми?

— Келувди. Манавининг дадаси билан анув қир тарафга кетишди.

Болакай ёнига минди. Қишлоқ оша яна беш-олти чақирим юришгач, капитан машинани қир этагида тўхтатди. "Бу ёғига энди юролмайдим". Бир лаҳза олис кенгликларни синчковлик билан кузатди-да, ҳалиги йўлдош йигитни ёнига

— Жаноб камандир, олинг. Сизга ҳамроҳ бўлади. Мен манави пат-патга қарайман.

Бошқа гапнинг мавриди эмасди. От етаклаган изкувар тангадек туёқчалар изи йўналишича жўнаб кетди. Диққат-эътибори бир нуқтага жамланган. Энг муҳими — издан чалғимаслик. Ҳайтовур, сой сатҳида ўт-ўланлар қовжирок учунми, бу юмуш мушкуллик туғдирмасди. Лекин яна излар қир ёқалаб кўтарила бошлади.

Шу аснода учта қир орқада қолди. Жаҳонгир ака кўкрагини шамол томонга ўгириб, бироз тин олди. Етовдаги от pista танаси ортидаги ўтларни уч-учидан чимдиб ер эди. Атрофда жон зоти йўқ. Камандир олд томонларни ҳам кузатиб чиқди. Узоқда қишлоқ кўрина бошлаганди. Жаҳонгир ака

Мансур АЛОВУДИНОВ



ҚАШҚИР ИЗИДАН

Тажрибали изкувар Ботир Турсунов ҳикояси асосида

қага чиқинг!

— Хўп бўлади.

Бироздан кейин шаҳарчани ортада қолдириб, равон йўл бўйлаб оқ дулдул елдек учиб борар эди. Жаҳонгир бўш кўли билан машинанинг ён ойнасини бироз тушириб қўйди. Кеч куз бўлишига қарамай, ҳаво яхши эди. Олис қоялардан бошланувчи қирлар, поёнсиз адир олтинранг тус ола бошлади.

Энгил оқ яқтак кийган, истараси иссиқ чол ҳамон жим келарди. У ниманидир эслаб, орқа ўриндикда ўтирган, набирасига гап қотди.

— Ҳай, Жўш томонларга ҳам одам кетдимми?

— Кетди. Акам тонгда эшакда жўнаган.

Отахон чуқур тин олди.

— Бу дейман, камандир болам, биррав пасанда бўлганди. Энди яна ўғриллар чиқибди. Одамларда инсоф қолмаган. Тунов кунни денг, бир камбағалнинг кўйларини ечишибди. Яхшиямки, итлар вовуллаб, уларга халақит қилишган. Бўлмаса, ташлаб қочишармиди?

Жаҳонгир ака бир нарса эсига тушгандек мийғида кулиб қўйди-да, чолга юзланди.

— Бу йил бўри ораламадимми?

— Бўриларми? Бу атрофда йўқ. Бироқ хув тепалиқдаги Тарнов қишлоққа онда-сонда энаркан. Суннат кудамиз ўша ёқда яшайди. Қўшнисининг қизи наҳорда сигир соққани борса, оғилдан кўзлари чақнаб бўри қараб турганмиш. Сатилни ташлаб уйга қочибди. Авваласи ҳеч ким ишонмасмиш. Кейин милтиқ билан пойлаб боришса, ўша жойда тили осилиб тургананкан. Тумшуги қон — хом этга бўкиб-мўкиб қолган-да!

— Отишибдимми?

— Ҳа. Тасмасидан одамлар тумордай-тумордай кесиб олишган. Қудам бизгаям бериб юборибди.

Яна анча йўл бошигач, машина сўл ёнга айрилган тупроқли йўл томон бурилиб, қишлоқ оралаб кетди. Муо-

имлади.

— Менга қара, хув анави мотоциклини кўрапсанми?

— Ҳа, кўйлар Саид чўпоннинг суруви.

— Чол, чўпонларни бу ерга чақир!

Ҳадемай ўчиқ мотоциклини қиялатиб, участка номири эна бошлади. Ортидан бир отлик ва таёқ тутган икки киши.

Участковой аввал чест бериб, ўнг туги кўришгач, ҳолат юзасидан ахборот беришга ошиқди:

— Жаноб капитан, мен бу ерлик чўпон-чўлиқлар билан гаплашиб чиқдим. Йўқолган сурувда жами ўттиз бош боқма кўй бўлган. Манави ландавур уларни яйратиб юриб, ҳалиги жойда бироз мизғибди, қош қорайиб қолганди.

Бирон сурувга кўшилган эмасмикан?

— Мен ҳам шундай ўйлагандим. Йўқ! Санакул чўпоннинг гапича улар кунботарда шу сойлик тарафга жадал эндирилган.

— Бўёғи аниқ! Сойликларда ўт-ўлан кам бўлади, шундай эмасми?

— Худди шундай, жаноб капитан.

— Изни олишга уринмадингизми?

— Йўқ, энди ҳар кунни минглаб туёқлар ўтса...

Капитан беш-олти қадам пастга юргач, бироз эгилганча яна одим ташлай бошлади. Анча олислаб кетгач, таққа тўхтаб, йўлни сойлик томонга тик кесиб юрди. Кейин яна тўхтаб, изма-из келаётган ҳамроҳларига юзланди.

— Бугун бу ерлардан сурув ўтмадимми?

— Йўқ.

— Яхши! Яқин орада мол бозори борми?

— Жўш қишлоғида бор, лекин бозор эртага.

— Бунга фаҳмадим. Сиз, Юнусжон, машина ҳайдашни биласизми?

— Худди шундай, жаноб капитан.

— Мана, калитни олинг. Чаққонроқ йигит билан ўша томонларга энасиз. Қишлоқда кимлар йўқлигини аниқланг. Синчковроқ... Кечга яқин Жўш атрофида бўлинглар.

Машина жойидан жилгач, чўпон йигит отини Жаҳонгир акага тутқазди.

шу топда анча толиққанини ҳис этди. Отни миниб олсамми деган ҳаёлга борди. Бироқ шундай қилса изларни йўқотиб қўйиши мумкин эди. Яна отни етаклаб олға кетди. Бироқ қишлоқ этагига яқинлашгач, қутилмаганда излар яна юқорилаб бораверди. Қарийб бир чақирим олисдан ёйиқ гузарни айлануб ўтиб, яна ўз йўналишига тушди. "Нега қишлоққа кирмади? Демак, кўйларни бозорга солишдан ҳайиқишган. Бўлмаса энди қаерга?..."

Бора-бора туёқ излари катта йўл ёқасидаги қўлмак сувга бошлаб келди. Сўнг излар катта йўлни кесиб ўтиб, текис яланглик — фарби-жанубга тўғри йўналиши олган. "Бу ёғи қизик бўлди-ку? Шошма-шошма, бирор оёқ кийимнинг изи қолмабдимми?"

Капитан йўл четида бироз ўйланиб турди. Кейин яна изига қайтиб, қўлмак атрофини синчковлик билан кузата бошлади. Деярли бир айланиб, бўлгач, намчил тупроқда калиш изини кўрди. Катталигига қараганда маҳси устидан кийилган бўлиши мумкин. Бу тарафда бошқа из тушмаган. Жаҳонгир ака ўн беш-йигирма қадам юриб, йўл ёқасига чиқди-да, туёқ излари йўналишидан яна одам изларини ахтарди. Қараса, чуқур гулдор чиқиччали кетанинг тупроқдаги изи. Шу из бўйлаб одим ташлади. Йўлнинг икки четида яна уч-тўрт шундай излар. Эътибор билан бошқатдан кузатди. Ўнг оёқ изи бироз ботик ва қийиқроқ ташланган. "Нега бундай? Балки, гумондор чалғитиш учун атайин босгандир. Балки шу оёғи оқсоқ бўлса-чи?"

Шу пайт жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғининг чўнтак телефони жиринглаб қолди.

— Эшитаман! Юнусжон, тинчликми? Қаердасизлар? Маҳалла оқсоқоллари тўплансин!.. Ҳа-ҳа, мен ҳадемай етиб бораман!

Капитан тизгин тутган кўли билан от

Суд очерки

эгаридан маҳкам ушлаб, узангига оёқ қўйди. Кейин тулпор устида ён-атрофга яна бир бор синчковлик билан тикилиб, отга қамчи босди. "Ҳарқалай яхши бўлди. Калаванинг учи энди қўлимизда".

Жаҳонгир ака йўл ёқасидаги машинани таниди. Аммо маҳалла идораси ёнида одам тўпланиб турганини кўриб, отни ўша тарафга бурди. Йигин раиси Файзулла ака участкавойга кўшилиб, унга пешвоз чиқибди.

— Натижалар қандай? — саломалиқдан сўнг вазиятни ойдинлаштиришга киришди капитан.

— Уччала қишлоқда ҳам уйма-уй айланиб чиқилди. Сиз айтган рўйхатларни тайёрлаб қўйдик. Бу рўйхатда аниқ сабаб ва иш топиш мақсадида қишлоқдан кетганлар. Бунисига эса ноаниқ сабабга кўра кеча ва бугун қишлоқда бўлмаганлар киритилди.

Тўпланганлар суҳбатни ихлос билан тинглаб, кузатиб туришарди. Бу ҳолат ҳуқуқ тартиботчисини янада кескин ва аниқ иш туттишга чорлади.

— Ассалому алайкум! Бу рўйхатни бирга туздингизларми? Унда яхши. Ишқилиб, бирор кимса эсдан чиқиб қолмадимми?

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас.

— Вакиллар шу ерда-ку!

— Яна бир гап. Шошмасдан эслаб кўрайлик. Сиз билганлар орасида бироз оқсоқланиб юрадиган ким бор?

— Йўқ!

— Билмаймиз.

— Шошманлар... Дўнгиллик адирлигидан пастда Хошимоқсоқ деган киши яшайди.

— Тўғри, тунов кунни тўйга ҳам келиб кетди. Чап қошининг ўртаси оқарчиганроқ...

Бетон зинапоёга чопони эгнини қайириб босганча ўтириб олган, салқи яноқлари қизил тортган мўйловли киши бир кўлини баланд кўтариб ўрнидан турди.

— Кўйинг, камандиржон, бу мелисларингиз ишлашмаяпти. Молимиз йўқолганигаям ўн кундан ошди. Булар жонини кой-

итгиси келмайди. Марказга борсак, "излапмиз, албатта топилади" деб ваъда қилишдан нарига ўтишмайди. Балки, топишлари учун ҳам пул қистиришимиз керакдир. Ўзинг ён-ўзинг куй деганларни рост экан-да!

Жаҳонгир аввал ёнида турган йигин раисига синовчан қараб олди-да, кўтаринки овоз билан шундай деди:

— Сиз наҳл келтирдигиз. Лекин "Ўзингни эҳтиёт қил, қўшнингни ўғри тутма" деган гап ҳам бор. Ҳар бир нарсани аввало ўзимиз эҳтиёт қилмоғимиз лозим. Бировга сен олгансан деб бўлмайди. Тўхмат ҳар кимга ҳам қаттиқ ботишини ўйланг. Гумон бир кунни ўртада совуқчиликни келтириб чиқаради.

Бу гапни мен қонун ҳимоячиларидан масъулиятни қочириб ниётида айтганим йўқ. Лекин ўз уйимизни, қишлоғимизни, Ватанимизни сиз-у биздан ортиқроқ ким асрай олади? Шунча йил ўзбеклигимизга бориб, ҳаммани бир кўзда кўриб, тўғри келган инсонга меҳрни дастурхон қила келдик. Билсак, беш қўл баробар эмас экан. Болалар ўша молни далада эгасиз қолдириб келганда ўзингиз тасодиф, ғайри кўзлар ҳақида бир бор ўйладингизми? Йўқ! Мана, гап қаерда: Бунга мен фақат мол йўқотган акамизга қаратиб айтаётганим йўқ. Гапни шундай кўнгилсизлик ва кулфатларни келтириб чиқарувчи илдизларга қаратмоғимиз фойдали бўларди.

Сизларнинг кўмакларингизда тузилган мана бу рўйхатларда бекорчи ва сар-бесар юрган фарзандларингиз, ҳамқишлоқларингизнинг номлари зикр этилган. Уларни айблаш балки ноўриндир. Бироқ билинларки, ҳар бир мусибатни дангасалик билан бекорчилик келтириб чиқаради. Бу нарсага эътиборсизлик билан қарамайлик. Иш ёки хунарнинг бошидан тутмаган одамни ҳеч қачон бахтли қилиб бўлмайди.

(Давоми бор)

Дўрмон ҳангомалари туркумидан

БИР ҚАДАҲ КОНЬЯККА ЕТТИ ТОМЧИ ЧОЙ

Миртемир домланинг тоби қочиб, дўхтирга боради. Дўхтир унга керакли дори-дармонларни ёзиб беради.

Домланинг кўнгил чигалини ахён-ахён бир қадах коньяк билан ёзиб турадиган одати бор эди. Масаланинг бу томони қандай бўлди энди, дея дўхтирдан очик маслаҳат сўрайди. Дўхтир — ҳазилкаш, ёшгина йигит дарҳол масаланинг моҳиятини тушуниб, сих ҳам, кабоб ҳам кўймайдиган бир антиқа чора топади.

— Ҳамма нарсанинг йўли бор, домла. Сизга шундай маслаҳат — мана бу ёзилган дори-ларни ичасиз, кейин истасангиз бир қадах чойга етти томчидан коньяк кўшиб ичаверинг, фақат дозани бундан ошириб юборманг.

Қулоғи оғирроқ бўлган шоир маслаҳатни ўзича тушунади. Орадан бир ҳафта ўтгач, ахволи оғирлашиб, яна ўша дўхтирга рўбарў бўлади. Шоирни обдон текшириб кўрган дўхтир хавотирлики сўрайди: Домла, дори-ларни ичдингизми?

— Ичдим, бўтам, ичдим. Бир қадах коньякка етти томчидан

чай кўйиб ҳам ичиб турдим. — Йў-е?! Ахир мен бунинг тескарасини айтгудим-ку, отахон?!

— Демак, дозасини сал оширворибмиз-да, бўтам. Атанг...

ҲАВАСКОРНИНГ СОҒЛИГИ

Ҳовлиқмароқ бир ҳаваскор қаламкаш атоқли шоир Мақсуд Шайхзодага шеърларини кўрсатиб, маслаҳат сўраган, ногоҳ шундай дейди:

— Устоз, айтишларича, истеъдодли шоирларнинг аксарияти касалманд ва дарвишроқ бўлар экан, шу гап ростми?

— Рост, рост, — дейди шоир ҳаваскорнинг юзига андак ажабсиниб қараб кўйгач, — аммо хавотирланманг, сиз соппа-соғсиз!

НОМАРД — ЎЗИ

Халқимизнинг суюкли артисти раҳматли Сойиб Хўжаев чойхонадаги ошхўрликда шогирд ва мухлисларни кулдириб, даврага файз киритиб ўтирарди. Бир маҳал ёнидаги ошхўр катта суюкни минг машаққат билан қоқиб, илигини товоққа туширади. Сойиб аканинг мазали лўқмага кўнгли кетади. Шошиб

тайёр иликни қўлига олиб, лиқ этиб ютиб юборади, кейин "оҳ-оҳ-оҳ", дея хайрон қолган ошхўрга шундай дейди:

— Суюкни мард қоқади, иликни номард ейди, майли ўша номард мен — ўзим бўлиб кўя қолай!

ХАВФЛИ ҲИЖРОН

Илгариги артистлар томоша кўрсатгани гастрол-сафарга узоқ муддатга чиқишар экан. Муқимий номидаги театр жамоаси шундай сафарда эканлигида бир артист йигит хотинидан хат олибди: "Дадаси, суюнчи беринг, ўғилчамиз юриб қолди!"

Йигит хурсанд бўлиб, Сойиб Хўжаевнинг хузурига ошиқибди.

— Уста, суюнчи беринг, ўғилчамиз катта бўлиб қолибди!

Уста негадир ўзини эшитмаганга олибди.

— Уста, ўғилчам юриб қолибди!

Уста бу гал ҳам индамай, тескари ўгирилибди.

— Устажон, ахир ўғилчам юриб қолибди деяпман! Мана, хотиним хат ёзиб юборибди.

Шунда уста чидолмай, жаҳл билан хитоб қилибди:

— Бу ерларда яна бирор ой юрсанг, хотининг ҳам юриб кетади!

ОТ ЭШАКДАН ЯХШИ

Сойиб ака ўзидан ҳол-аҳвол сўраганларга ҳамаша бир хил: "Отдайман!" дея жавоб берарди. Бир куни шогирдлари сўраб қолишди:

— Уста! Нега энди ким сўраса "отдайман!", — деяверасиз. Бошқа жавоб қуриб қолганми?

— Э, от эшакдан яхши-да! — деган экан ўшанда Сойиб ака.

Шодмон ОТАБЕК

Паҳлавон МАҲМУД

«ҲОЛИМНИ БИЛИБ КЕТМАК УЧУН КЕЛГАЙСАН...»



Дарёдаги сув кўзимдаги намдандир,
Дунёдаги бор аланга сийнамдандир.
Ишлайди кулол... бу кўҳна дўстлар хоки,
Ўт сув ила мавжуд хазийнамдандир.

Ҳолимни билиб кетмак учун келгайсан.
Бунча сени қийнайди ким? — сўргайсан.
Ойна бериб қўлингга, дерман «Термул»,
Кўзгуда уни, эй қоракўз, кўргайсан.

«Умрнинг маънисини не, менга де» — дедим,
«Ё шаъм, ё чақмоқ ёки парвона» — деди.
«Дунёга умид боғласа кимки не» — дедим,
«Ё маст, ё аҳмоқ ёки девона» — деди.

Ҳақ-ку бу — Ҳақ... Ноҳақни малъун қил сен,
Яхшини шод, ёмонни дилхун қил сен.
Доно оёқ остиндаю, нодон бошда,
Ё раб, бу фалакни остин-устун қил сен.

Сал-пал ўқидик, соҳиби дафтар бўлдик,
Сал палгина зеб топдигу, зайвар бўлдик.
Билдик бу жаҳонни, гам билан дард бўлдик,
Кечдик баридан... яъни қаландар бўлдик.

Тун бошқоронгу.. туғса, шояд, кўрамиз,
Найлайди давр айланиб ғоят, кўрамиз.
Умр аввали не?.. Кўрган эдик, ҳайрият,
Умр охири не бўлар, ниҳоят, кўрамиз.

Кўп чекдому дард, бўлмадим, ҳеч шод, дариг,
Фурбатда бу жон, қилмадилар ёд, дариг.
Афсус, надомат юки елкамда манам,
Дийдор қиёматгача барбод, дариг.

Туз тотмадим ҳеч, ишқ юрагим қон айлар,
Ухламадим, ёр мени нолон айлар.
Ҳолимга менинг тушмасин бир дам зоҳид,
Дарров ўзини фаришта эълон айлар.

Мен-ку хазон... ваҳ, не елар ол қаттиқ,
Ҳолимга менинг фиғон қилар эл қаттиқ.
Кўз ёш бу вужудни аямай ювмоқда,
Девор гувала, нетай, келар сел қаттиқ...

Ишқда вужудимни совуқ ўй чақади,
Гул очилиб, димоғни хуш бўй чақади.
Бу дардда ўзим силайман ўз бошимни,
Мисли илон кўлимни ҳар мўй чақади.

Ҳеч қилма таъма, азоб бериб жонингга,
Мулкингни ярат, эришгил ўз шонингга.
Ўз ковагингга кир илон бўлсанг гар,
Чун, бўлсанг агар қуш, қўн ўз ошёнингга.

Ерни бировларки бисот деб тургай,
Ўлча, улаш, ё ол, ё сот деб тургай.
Оқил билади, қабрди ул ебтўймас,
Кирмаса тез-тез одам, дод деб тургай.

Нутқинг каби нутқ дунёда, эй дўст, йўқдир,
Қутлуг бу каломда ҳеч каму кўст йўқдир.
Ёнғоқ-ку сўзинг, керакмас арчмоқ, чақмоқ,
Қутлуг бу калом — ҳеч каму кўст йўқдир.

Қиш гулханидан савр гулида ҳид яхши,
Рум атласидан бўйра, до, пок, дид яхши.
Пурёввали айтади, беҳайр кишидан
Лўлига эргашган анов ит яхши.

Бир бурда кифоя, мардга кўп нон не керак,
Дарёдан оқар сув, ана, Ризвон не керак.
Ўз кўли бор, айт, не керак хизматкор,
Ўз дили бор, айт, унга султон не керак.

Фаҳм этгувчи қисмат юкитни дил менман,
Уммондир бу бир, наҳанг эса, бил, менман.
Жипс икки жаҳон юкига тутдим елка,
Бир фил бу, фалак, сенсану, бир фил — менман.


Мен бир умр ишқнинг бегонасиман,
Ақлнинг ҳамроҳиман, ҳамхонасиман,
Дейману, лек ул парирў менга томон
Юрса тамом... мен яна девонсиман.

Дунёга келиб, улки азиз ном топди,
Кўп номлар унинг номидан эҳсон топди.
Қўлга олиб қадах, лабин теккизди,
Топди шароб шараф, қадах шон топди.

Матназар АБУЛҲАКИМНИНГ
ФОРСИЙДАН ТАРЖИМАСИ


Мураббо учун майдароқ, бир хил катталикдаги, яхши пишган қулупнай сараланади. Асосан мураббо икки усулда тайёрланади. **1-усул:** бандчалари тозаланган қулупнай шиша ёки эмалланган идишга солиниб, устидан шакар сепиб 8 соат салқин жойга қўйилади. Шарбати чиққач, сирли идишга ағдариб, паст оловга қўйилади. Шакар эригунча эҳтиёткорлик билан кўзгаб турилади. Қайнагач оловдан олиб, совутилади. Сўнгра яна паст оловда қайнатилади. Бу ҳол 3-4 марта такрорланади. Ҳидини хушбўй қилиш учун пичоқ учидан ванилин ва бир чой қошиқ лимон кислотаси кўшилади.

Масаллик: 1 кг қулупнайга 1,5 кг шакар. Ярим стакан



Билиб қўйган
яхши

Бир хил катталикдаги, яхши пишган, аммо эзилмаган ўрик сараланиб тенг иккига бўлиб данага ажратиб олинади. Ўрик мевалари устига белгиланган шакарнинг ярмини сепиб 3 соат салқин жойга қўйилади. Шу вақтда унинг шарбати ажралади. Шу шарбатни сирли идишга солиб, қолган шакарга сув қўшиб қиём қайнатилади. Сўнгра ўрик мевалари қиёмга солинади ва олов-



Ўрик
мураббоси

сув, 1 чой қошиқ лимон кислотаси, пичоқ учидан ванилин керак бўлади.

2-усул: сараланган қулупнай устига иссиқ қиём кўйилиб, 5-10 дақиқа паст оловда қайнатилади. (Кўпиги олинади). Сўнгра оловдан олиниб совутилади. Човли билан қулупнай мевалари қиёмдан ажратилиб, қиём 5 дақиқа қайнатилади. Сўнгра қулупнайлар солиниб, паст оловда қайнаш давом эттирилади. Қулупнай қиёмнинг юзига қалқимай, ичиди бир текис тарқалиб сочилиб турса, бу пишганидан далолатдир.

Масаллик учун: 1 кг қулупнай, 1 кг шакар, ярим литр сув, пичоқ учидан ванилин, 1 чой қошиқда лимон кислотаси керак бўлади.

дан олиб совутилади. 2 соатдан сўнгра яна паст оловда қайнатилади. Кўпиги олиб ташланади. Бу ҳол уч марта такрорланади. 1 чой қошиқ лимон кислотаси, пичоқ учидан ванилин кўшилади.

Масаллик учун: 1 кг ўрик, мевасига 1 кг шакар, 1-2 қошиқ лимон кислотаси, пичоқ учидан ванилин керак бўлади.

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Мутахассис олимларнинг эътироф этишларича, инсон асаб тизимига ранглар турлича таъсир кўрсатаркан. Сарик ранг киши кайфиятини кўтариб, ёмон ҳаёлларни миядан қуваркан. Қизил ранг ички қувватни ошириб, кишида қизиққонликни кучайтиради. Мовий ранг эса, кишида нозик туйғулар-

ни уйғотиши билан бирга, бироз ўйчан кайфиятни юзага келтираркан. Тўқ яшил ранг шиддатлироқ ғазаб ва раҳнамолик ҳислатларини ривожлантириб, кишини уйқусизлик дардига мубтало қилади. Шу боис бундай рангни ётоқхона безакларида ишлатиш асло мумкин эмас. Яхшиси, ётоқхонани тўқ жигар рангдаги жиҳозлар билан безанг. Бу ранг эса ҳар қандай уйку доридан кучли таъсирга эга.

Муштарий фикри

УЙИНГИЗДА КИМЛАР БОР?

Дунё тобора моддийлашиб борапти, шу жумладан, жамиятимиз ҳам... Лекин кундалик ташвишлар исканжасида қолиб, фарзанд тарбияси учун айтарли вақт топилмаяпти, дейдиганлар янглишади. Бинобарин, аслида, бола тарбиясидан ҳам муҳимроқ иш борми?..

Баъзан-баъзан турли ёшдаги ўқувчиларни дарсга кирмасдан, кўча-кўйда бошқа ишлар билан шуғулланишаётганини гувоҳи бўламиз. Болаларнинг компьютерга қизиқиши замонавий билимларни эгаллашдан кўра ўйинқароқликка айланиб қолгандек. Ўз вақтида олди олинмаса, фарзандларимизнинг мустақил фикрлаши тугул, саломатлигига ҳам таъсир этиши мумкин, бу компьютер деганлари... Тўғри, борган сари глобаллашув илдиз отиб кетаётган замон ва маконда унинг ўз ўрни бор. Аммо гап шу экан, деб унинг олдида мукка туриш тўғримики?

Афсуски, ўқувчилар (айниқса, ўғил болалар)нинг дарсга кирмасдан кўчаларда юриши фақат шу билан чегараланиб қолмайдиган... Ўқувчилар орасида чекадиганлари, ҳатто ичадиганлари борлиги янглик эмас. Ҳолбуки, бекорчиликдан ҳар бало келиб чиқади. Сабабсиз муштлашувлар, дайдилик, ўғирлик ва ҳоказо... Уйланиб қоласан киши: бундай ўқувчиларнинг уйда ота-онаси бормикин? Улар фарзандини қаерда юрганлиги хусусида бир бор қизиқадими? Қачондан бери улар фарзанд хулқ-атвори учун масъул бўлмай қолди? Эҳтимол, авваломбор ота-оналарнинг ўзини тарбиялаш керакдир...

«Миш-миш»лар ҳам кўп-да. Эмишки, «фалон» мактабнинг 2 нафар ўқувчиси дарсдан қочиб тиланчилик қилиб юрган экан. Буни ёлгон деймиз-у, кўнглимиздан беихтиёр шундай мулоҳаза кечади: ростдан шундай бўлса-чи? Қолаверса, мунтазам равишда қаровсиз қолиши юқоридаги сингари «миш-миш»нинг чиндан ҳам содир бўлишига олиб келмасмикан?

Ойжамол ТУРДИКУЛОВА,
Чилонзор туманидаги 131-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси

ИЛДИЗ
ЧИҚАРМАЙДИГАН
ЎСИМЛИКЛАР

Табиатда илдиз чиқармай яшайдиган ўсимликлар ҳам анчагина. Ўзбекистонда эса уларнинг икки хили: шумғия билан зарпечак учрайди. Бу иккала гиёҳ бошқа ўсимликлар ширасини сўриш эвазига ўсади.

Бу хил ўтларни полиз ва боғларда кўп учратамиз. Шумғия бинафша рангида бўлиб, полизда кўп ўсади. У ҳамма вақт гуллаб ётади. У полиз экинлари, шунингдек, тамаки, кунгабоқар

илдизига чирмашиб, унинг ширасини сўради.

Зарпечакнинг бир неча турлари бўлади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бошқа ўсимликка чирмашиб, ширасини сўриш эвазига яшайди.

Шуниси қизиқки, зарпечак уруғи ердан униб чиққач, унинг бирор сантиметр узунликдаги майсаси ўз атрофида айланиб ўлжа излайди. Бу орада бирор ўсимликка чирмашиб қолгудек бўлса, ўсиб кетади. Акс ҳолда, қовжираб қолади.

Зарпечак қишлоқ хўжалигига катта зарар етказилади. Унга қарши агротехника ва кимёвий усуллар билан курашилади.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Коинот сирлари



Халқимиз гўзалликка нисбат берганда кўпинча ойни танлайди. «Ой юзли», «Ойдек гўзал», «Ойдек хушрўй...»

Ҳақиқатдан ҳам ой гўзаллик тимсоли. Ой ҳақида шоирлар қанча ғазаллар битишган. Ривоят ҳикоятлар тўқишган. Қарангки, чиройи ва сеҳри билан бизни мафтун этадиган тўлин ойнинг руҳимизга, вужудимизга таъсири ўзгача экан. Мутахассисларнинг ҳулосасига кўра, сутдай ёруғ оқшомларда ой гардиши одамларни худди магнит сингари ўзига тортади, шундай кунларда руҳиятимизда безовталиклар кузатилади. Нохуш таасуротлар оқибатида турли қонунбузарликлар, салбий ҳодиса ҳамда ёмон воқеалар юз беради, гоҳо. Ой сатҳида юз бераётган ўзгаришлар одамларга лаҳзама-лаҳза таъсир эта боради, улар тушкун ва маъюс, ваҳимали хаёлларга берилувчан бўлиб қолишади, уйқулари нотинч кечади, алоқ-чалок тушлар кўрадилар. Худди шу кунларда бадандаги янги жароҳатлар (ёхуд жароҳлик пайтида қўйилган чоклар)нинг битиши қийин бўлади. Буни қарангки, ой тўлаётган

кунларда ювилган кир ҳам яхши очилмас экан! Агар сиз бирор жойингиздаги сўғални йўқотмоқчи ёки этингизга ўсиб кирган тирноқни олдирмоқчи бўлсангиз, аввал самога боқинг. Чунки бу сингари юмушларга тўлин ой акс таъсир кўрсатади.

Шуниси қизиқки, ой ярим доира ҳолига келиб турганда қилинган жароҳликдан сўнг чоклар ўрни жуда тез битиб кетаркан. Худди шу кунларда соғломлаштириш муолажасини олаётган ёки юзини ва танасини парваришлаган киши яхши натижаларга эришаркан. Чунки бу вақтда одамнинг танаси қон билан яхши таъминланади, етарли даражада намланиб туради. Фойдаланилган крем ва дори-дармонларнинг таъсири ҳам ижобий бўлади, шу кунларда сочлар жуда тез ўсиб, агар у бўялса, бундай бўёқ узок вақтгача кетмасдан туради. Ойнинг ўроғи чапга бурилиб турганда шифобахш ўсимликларнинг барглари ва гулларида фойдали моддалар

ниҳоятда кўп йиғилади. Шу вақт ичида уларни йиғиб, қуришиб олинса, айна муддаодир.

Маълумки, ой ҳар 28 кунда тўлади. Ой тўлган кезларида эркакларнинг чекишни ташлаши осон кечади, парҳез ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Яхши дам олиш ва овқатни камроқ ейиш лозим. Негаки, бу кунларда бутун танамиз тозаланишга тайёр бўлиб тураркан. Жисимимиздаги барча нохушликларни бартараф этмоқ учун ўзимизга эътибор беришимиз, ой тўлган кечаларда юраги хаста кишилар валериана қайнатмаси ва турли тинчлантирувчи чойларни ичиб туриши зарур. Уйқуга ётишдан олдин бир қошиқ асал солинган илиқ сутли чой ичиш, айнақса, фойдали.

Ой ўроғи ўннга бурилиб «С» ҳарфига ўхшаб турганда инсон куч-ғайратга тўлиб-тошади. Бундай вақтда соғлигини мустаҳкамлаш чораларини кўринг. Ой кичраяётганда тушликдан сўнг газанда(қичитки ўт)дан чой дамлаб ичинг. Бир литр сувга бир ош қошиқ қуритилган қичитки ўт солсангиз бас, бу қайнатма танангизни тозаловчи муолажа сифатида таъсир кўрсатади. Ой қайтаётганда (яъни ой тўлиб бўлгандан кейин) киши танасида оғриққа сезгирлик камаяди. Юзни тозалатиш, сўғалларни ва тирноқларни олдириш муолажалари айна шу кунларда бажарилгани маъқул.

Сутдай ёруғ кеча... Бундай тунларда ойга қаранг ва унга дардингизни шивирлаб айтинг. У сизга қандай маслаҳатлар бераркин?!

Г.КАРИМОВА

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети томонидан Мамадалиев Дониёрбек Шокиржонович номига 2002 йилда берилган **В №084624** рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади**

С
К
А
Н
В
О
Р
Д

				Ўзув ашёси	Йил фасли		Мўлжал									
	Кўҳна шаҳар харобаси	Олим	Чалғи тиш				Билим асоси	Майл				Самарқанд мадрасаси				
			Бинокор	Ўзбек генерали		Ҳашарот	Кул...									
	Ит зоти			Уч кунлик ой				Оптик шиша	Кимёвий модда			Суюқ металл				
				Чилидаги чул	Тотув	Хурфот	Америкадаги давлат	Водий тумани				Муслиқий овоз				
		Тикилган жой			Спорт соеврини			...	Батор	Нон тури						
	Иш ҳайвони	Қуш Номдош	Испания шаҳри	<p>Ҳеч нарса билмагандан кўра, керагидан кўпроқ билган афзал.</p> <p>Сенека Луйий Анней - қадимги Рим адиби.</p>				Ранг - ...								
	Бўёқ ашё											Буй				
	Иссиқ сақлаш анжому	Теннис қисми										Ширинлик	Чорва маҳсули	Пойга автомобили		
	Сайёра	Ҳаё			Сармоя	Дастлабки	Ҳайво - нот фани	Қадимги Волга				Шикор				
				Ўзув асбоби				Либос қисми								
			Белги	Бўрттириш	"Отелло" қаҳрамони	Шоҳмат чемпиони	Сартарош асбоби	Ёш от								

Тузувчи Ф.ОРИПОВ

Бўлажак ёзувчи Саид Аҳмад (Хусанхўжаев) 1920 йилда Тошкентнинг Самарқанд дарвоза даҳасида хизматчи оиласида таваллуд топди. Хозирги 1-ўрта мактабда ўқиди. Тасвирий санъат билим юртида, кейин эса Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига тахсил олди. Дастлаб «Муштур» журнали, «Ёш Ленинчи» (хозирги «Туркистон»), «Кизил Ўзбекистон» газеталарида (хозирги «Ўзбекистон овози»), радиокomiteтда, «Шарк юлдузи» журналинда фаолият кўрсатди.

Унинг «Тортиқ», «Эр юрак», «Фарғона ҳикоялари» тўпламлари китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. «Чўл бургути», «Чўл оқшомлари», «Одам ва бўрон», «Кадрдон далалар» номли илк ҳикояларида урушдан кейинги ҳаёт акс эттирилган.

Оқсоқол адибнинг «Уфқ», «Жимжитлик» сингари романлари, «Келинлар кўзғолони», «Фармонбиби аразлади», «Куёв», «Тўйлар муборак», «Муҳаббат можароси» сингари комедиялари-ю, бадийий фильмлари, юзлаб ҳикоя ва қиссалари «Ҳеч бир инсон оёқ тагига қараб яшамайди, олис уфқларни мўлжалга олиб йўл юради. Уни ҳамisha эртанги кун, яшаш, ёшариш, яратиш иштиёқи оёққа турғизган» мазмундаги башоратомуз сўзлари аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланиб кетган.

Табаррук 86 ёшани қаршилаган устоз хузурида бўлиб, у кишига бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Саид Аҳмад ака, ёшлигинида ёзувчи бўлман, деб сира ўйлаганмисиз?

— Ҳаёлимга келмаган. Болалигимда қип-қизил «шум бола»нинг ўзи эдим. Маҳалламиз гузарига дорбозлар, масхарабозлар келарди. Ушбу томошаларга ҳавас қилиб, икки челақ синган шишаларни йиғиб, боғимизга тўкиб, устига сакраганим эсимда. Ўн кунгача оёқ босолмай ётганман. Бир марта дорбозлик қиламан деб дордан ҳам йиқилганман. Оёғим синган.

Дўхтирлик мактабига беш-олти ой қатнаб, сўнг рассомлик мактабига ўқиб чиққанман. Кейин фотосуратчи бўлгим келиб қолган.

Ана шу, кейинги «хунарларим» сабаб, газеталар тахририятига кириб келганман. Мухбирлик қилганман. Жуда кўп ёзардим. Ҳали Чирчиқдан, ҳали Бўзсув ГЭСи, катта Фарғона канали қурилишларидан хабарлар, очерклар ёзардим... Бадийий ижодга ўтиб боришимда ана шу кўрган-кечирганларим эҳтимол, сабаб бўлгандир...

— «Келинлар кўзғолони», «Фармонбиби аразлади», «Куёв» сингари комедияла-

рингиз эл орасида шухрат қозонган асарлар сирасига киради. Драматургияга қандай кириб келгансиз?

ИНСОН УФҚҚА ИНТИЛАДИ...

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
(мамлакатимизнинг чиройли йигити) Саид Аҳмаднинг номи
нафақат юртимизда, хорижий мамлакатларда ҳам машҳур**



— Вақти келиб драматург бўлман деб сира ўйлаганман. Бир куни қизиқ бўлди. Хозирги Миллий Академик театрга Саид Аҳмад билан бирга бордик. Қандайдир диққинафас томоша бўлаётган экан. У тугагандан кейин, театрнинг ўша пайтдаги директори, атоқли санъаткор Олим Хўжаев «Аҳволимиз шу» дегандек қараб, «Театримизга бирон пьеса ёзиб бермайсизми?» деб таклиф қилди. Унга режиссёр Баҳодир Йўлдошев ҳам қўшилди. «Кўлимдан келармикан? Драматург бўлмасам» дедим. «Бир ўйлаб кўрай» деб кетдим.

Сизлар айтаётган шов-шувга сабаб «Келинлар кўзғолони» шу тарихи дунёга келди. Баҳодир уни қотириб сахнага қўйди. Спектакл жуда машҳур бўлиб кетди. Тожикистонда, Туркманистонда, Қирғизистонда, Қозоғистон ва Озарбайжонда

гизни ҳам «кино тили»га кўчириш учун таклифлар бўлганми?

— Таклифлар кўп бўлган. Аммо мен уларни рад этганман. Сабаби насрий асар кинога айланган, унинг «оҳори тўкилади», у романми, қиссами, ҳикоями, аҳамияти йўқолади. Энди у режиссёрнинг қўлида бир «хамиртуруш»га айланиб қолади. У эса билганини қилади. Масалан, «Қорақўз мажнун» деган асарим асосида фильм олмоқчи бўлишди. Яхши фильм чиқиши мумкин эди. Иш ҳам бошлаб қўйилганди. Аммо сценарийга ўзбошимчалик билан киритилган лавҳалар сабабли келишолмадик.

Умуман олганда, роман ё қисса китоби ўқувчилар ўқиши учун ёзилади. Дуч келган китобни кино қилиб бўлмайди. Кино учун махсус сценарийлар ёзилиши керак. Афсуски, бу соҳанинг билимдонлари бизда етишмайди.

Сиз кутган учрашув

Шунинг учун ҳам бир-бирдан хом-хатала, бачкана фильмлар онда-сонда бўлса-да, чиқиб турибди.

— Шогирдларингиз, ҳам-касб укаларингиз ҳақида икки оғиз тўхталсангиз?

— «Фалончи ёзувчи менинг шогирдим» деб кўрсатолмайман. Агар ким мени ўзига «Устоз» деб билса, мендан, ижодимдан ниманидир ўрганган бўлса, майли, ўша менинг шогирдим бўла қол-



Аммо ана шу бахтли кунларимни яқинларим, устозларим, энг аввало, марҳума рафиқам Саида Зуннунова кўролмаганидан армондаман. Унга невараларимнинг тўйларини ҳам кўриш насиб этмаган экан.

Албатта, одам боласи ношукур бўлмаслиги керак. Саксон олти ёшга кираётганимда шундоқ ажойиб замонларни кўриш насиб этганидан бахтлиман, ҳамisha шукрона қиламан. Илоҳим ҳамманглар менинг ёшимга кириб, ундан ҳам ошиб юринглар!

Устоз хонадонидagi гурунгимиз узоқ давом этди. Кўп нарсалар, ўтганлар ҳақида эслашдик. Адиб ўзининг кўрган-кечирганлари-ю, машҳур шоир ва ёзувчилар, атоқли санъаткорлар билан бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, ичакузди хангомалар ҳақида сўзлаб берди. Сўйлашдик, кулишдик, эслашдик...

Хайрлашиб чиқиб кетаётганимизда эса «Биронта латиға айтиб бермайсизми? Янгисидан борми?» дегандек, унинг юзларига табассум югуриб, «Бор, лекин «гонорар»ни ким тўлайди?» деб ҳазиллашди.

Кулишдик. Ва у суҳбатимиз якунида «Ишонч» газетаси тахририятига, унинг ўқувчиларига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаб, эсдалик учун дастхат ёзиб берди.

**Суҳбатдошлар:
Раҳимжон ОРИПОВ,
Эркин УСМОҲОВ**

«Ишонч» ўқувчиларига омад тилабман.
13-май
2006 йил.

22-28 майгача

МЧНАЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Ҳафта давомида яқинларингиз ҳамда қўл остидагилар билан муносабатда хушмуомилала бўлишга ҳаракат қилинг. Душанба куни кутилмаганда моддий рағбат оласиз.

БУЗОҚ. Янги иш бошлашдан олдин диққатингизни бир жойга жамланг. Шунингдек, сиздан зийраклик, эҳтиёткорлик ҳам талаб қилинади. Қалтис ва ноҳўя ишлардан тийилинг.

ЭГИЗАКЛАР. Ушбу ҳафта ишингизда муайян ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Иқтисодий қийинчиликлар ҳам бундан мустасно эмас. Дам олиш ку-

нингизни оила даврасида ўтказинг. Кейинги ишларингизни пухта режалаштиринг.

КИСКИЧБАҚА. Ҳафта давомида ҳар қандай ишни бошлашингиз мумкин. Имкониятдан фойдаланиб қолинг. Эски қарздорлар сиздан қарзини узиб, совғасаломлар билан сийлаши ҳам мумкин. Яқшанба куни оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

АРСЛОН. Воқеаларга бой кунлар сизни кутмоқда. Ушбу ҳафта учрашув ва шартномаларни режалаштиришингиз мумкин. Бироқ фойданга кўзлаб, алданиб қолманг. Ҳафта охирида оила аъзоларингиз кўмак сўраб мурожаат қилишса маслаҳатингизни аяманг.

ПАЗИЗОД. Асабларингиз чарчаб анча ҳорғин аҳволдасиз. Соғлигингизга эътибор бering. Рухий тушкунликка тушманг. Дўст-биродарлар даврасида бўлиб, кайфиятингизни кўтаринг.

ТАРОЗИ. Янги ҳафтада жиддий режа ва ишлар билан машғул бўласиз. Келажақдаги роҳатни кўзлаб, олдингиздаги машаққатларни бартараф қилинг. Шундагина мақсадга эришасиз. Яқшанбада табиат қўйнида ҳордиқ чиқаринг.

ЧАЁН. Ҳафта бошида ҳеч қандай ўзгаришлар кутманг. Кўпроқ тоза ҳавода нафас олинг. Бу соғлигингиз учун фойдали. Дам олиш кунлари яқинларингиз билан тадбирлар уюштиришингиз мумкин.

ЎКОТАР. Ушбу ҳафта ҳеч қандай янги ишга қўл урмаганингиз маъқул. Яқшанба куни уйингизга меҳмон келиши мумкин. Эртaroқ туришга ҳаракат қилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта мобайнида катталар билан тортишманг. Бу бефойда. Чунки улар сиздан анча тажрибалироқдир. Сабр қилинг. Қарзларингизни вақтида тўланг. Акс ҳолда сизни моддий қийинчиликлар кутмоқда.

ҚОВҒА. Миллионлар ишлаб топшишни истайсизми? Унда кайфиятингизни кўтаринг. Мақсад учун интилинг. Ҳафта охирида кўнгилсиз хабар эшитишингиз мумкин. Ҳеч қандай масъулиятни зиммангизга олманг. Ҳали сиз бунга тайёр эмасиз.

БАЛИҚ. Режалаштирилмаган ишларга умуман қўл урманг. Ишдагилар ҳамда оила аъзоларингиз билан хушмуомилала бўлинг. Айнақса ишда хатоликларга йўл қўйманг. Йўқса обруйингизга путур етиши мумкин.

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба,
жума ва шанба кунлари чиқади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотува эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie@mail.ru

Бизга қўнғироқ
қилинг:

Котибият
56-52-78;
Хатлар бўлими
56-85-43

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллаев
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Мусаҳҳия - А.Ярбеков
Навбатчи - Д.Аллакулова

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 23.30

Тиражи: 15164

Буюртма 1-714